

INT-G0345/69- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил “18” Январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Наманган шаҳридаги Президент мактаби Устав** (Низом, рўйхатта олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи ижрои директор **О.О.Зокиров** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги Абонент шартномасини тузиши расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилгандан ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фойз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **35 640 000,00** (Ўттиз беш миллион олти юз кирк минг) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ (_____) микдоридаги бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномада асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида reklama акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун юхжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси таълаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун юхжатларига мувофиқ туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва маъжбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартиба солувчи конун хужожатлари нормаларини бузили мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларини содир этмасликлари юзасидан маъжбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашини чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар қандай холатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўймайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаги амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/ътиризонома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўни билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат таълаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда маъжбурий равишда ҳабардор килинади.

7. Якуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белgilanadi. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужожатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белgilanган амал қилиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (**бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди**) ўз шартларини бажарини давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланини - Офера акцентини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганини жакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этиди.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужожатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичига бир-бирларини ҳабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (инки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали	Наманган шаҳридаги Президент мактаби
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол кучи 57-ўй Банк мъаломотлари: х/р: _2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТВ “Алокабанк” Тел: _____ E-mail: b2b@uztelecom.uz;	Манзил: Наманган шаҳар Ислом Каримов кўчаси Банк х/р: 100010860262877092300347001 СТИР: 306608771 МФО: 00014 Банк номи: XKKMMB Тошкент шаҳар бош бошқармаси Тел: (69)225-56-50 (69)226-56-49 E-mail: _____ Дот: _____
Оператор номидан:  Б.Нурматов /ИМЗО/ М.ў.	Абонент номидан:  Директор О.О.Зокиров /ИМЗО/ М.п.

Юрист 

Исп.: Иргашев О
Тел: (369) 227-00-71

2022 йил “18” январ
INT-G0345/69-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Милллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билин Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTX технологияси бўйича)		Нархнома	1	
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Стат IP	20 000,00	Нархнома	1	20 000,00
	EDUCATION-4 тариф режаси бўйича 300 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Милллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 22:00 дан 00:00 гача 120Мбит/с Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 00:00 дан 20:00 гача 300 Мбит/с		Нархнома		
2.2	Абонент тўлови	2 950 000,00	Нархнома	1	2 950 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				2 970 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 2 970 000,00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Ҳар ойлик тулови 2 970 00,00 сум

Шартноманинг умумий миқдори 35 640 000,00 (Ўттиз беш миллион олти юз қирқ минг) сўмни ташкил этади. Ундан 2 970 000,00 (Икки миллион тўқиз юз етмиш минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ (_____) сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Наманган филиали

Оператор номидан:

Директор  Б.Нурматов

/имзо/

М.ў



АБОНЕНТ:
Наманган шаҳридаги Президент мактаби

Абонент номидан:

Директор  О.О.Зокиров

/имзо/

М.ў



Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари қўрсатилиши тўғрисида 2022 йил "18" январ
INT-G0345/69- сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун аборентга берилган Аборент курилмасини топшириш -
қабул қилиш далолатномаси

№	Курилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия коди ёки завод рақами	15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш киймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
1				

*Курилмалар Оператор томонидан Аборентга мулк сифатида топширилади.

*Аборент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган курилмадан техник
шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

*Аборент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

*Ушбу далолатнома сотиб олинган курилмага эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги хужжатдир.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Наманган филиали

АБОНЕНТ:
Наманган шаҳридаги Президент мактаби

Оператор номидан:

Директор  Б.Нурматов



Аборент номидан:

Директор  О.О.Зокиров

